



Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилояти 221200 Янгибозор шаҳарчаси тел.(0-362) 41-94-141, факс (0-362) 41-94-255
O'zbekiston Respublikasi Xorazm viloyati 221200 Yangibozor shaharchasi tel. (0-362)41-94-141, faks (0-362) 41-94-255

"11" август 2020 й.

№ 1368

Янгибозор шаҳарчаси

**“Олтинкўл” маҳалласида яшовчи фуқаро
Бобоназарова Оймонжонга кўшимча
томорқа ер майдони ажратиб бериш
тўғрисида**

Янгибозор тумани Чўболончи қишлоғи “Олтинкўл” маҳалласида яшовчи фуқаро Бобоназарова Оймонжоннинг кўшимча томорқа ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризасини ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6-моддасига ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 6, 10, 25-моддасига асосланиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н

1. Янгибозор тумани Чўболончи қишлоғи “Олтинкўл” маҳалласида яшовчи фуқаро Бобоназарова Оймонжонга “Олтинкўл” маҳалласининг туман захира ерлари ҳисобида турган 82-қисм контуридан 0,12 гектар ер майдони кўшимча томорқа сифатида фойдаланиш учун ажратиб берилсин.
2. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р. Рахимов)га кўшимча томорқа учун ажратилган ер участкасини жойида (натурада) белгилаб бериш вазифаси топширилсин.
3. Туман давлат солиқ инспекцияси (А.Ўразбоев)га, туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Рахимов)га ушбу қарорга асосан ўз ҳужжатларига қонунда белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифаси юклатилсин.
4. Фуқаро Бобоназарова Оймонжонга туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизматидан рўйхатдан ўтказиш вазифаси топширилсин.
5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Янгибозор туман ҳокими



У.Курбанов